

**РЕПРОДУКТИВ ТИЗИМИ САРАТОН КАСАЛЛИГИДА  
РИВОЖЛАНУВЧИ НЕВРОЛОГИК ВА НОЗОГЕН ПСИХОПАТОЛОГИК  
ХОЛАТЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИ**

---

**Ёдгоров Жасурбек Жўраевич**

*Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат  
тиббиёт институти. Бухоро, Ўзбекистон.*

*e-mail: [yodgorov.jasurbek@bsmi.uz](mailto:yodgorov.jasurbek@bsmi.uz)*

**Аннотация** Ушбу мақолада репродуктив тизим саратон касалликлари га чалинган беморларда кузатиладиган неврологик ва нозоген психопатологик ҳолатларниң келиб чиқиши сабаблари, клиник намоён бўлиши ва уларни бартараф этишда замонавий профилактика усуллари ёритиб берилган. Шунингдек, психоэмоционал ҳолатни барқарорлаштириш, неврологик асоратларни олдини олишга қаратилган инновацион ёндашувлар таҳлил қилинади.

**Калим сўзлар:** репродуктив саратон, нозоген депрессия, анксиоз ҳолат, нейропсихиатрия, профилактика, психотерапия, онкопсихология.

**СОВРЕМЕННЫЕ МЕРЫ ПРОФИЛАКТИКИ  
НЕВРОЛОГИЧЕСКИХ И НЕЗОГЕННЫХ ПСИХОПАТОЛОГИЧЕСКИХ  
СОСТОЯНИЙ, РАЗВИВАЮЩИХСЯ ПРИ РАКЕ РЕПРОДУКТИВНОЙ  
СИСТЕМЫ**

**Ёдгоров Жасурбек Жўраевич**

*Бухарский государственный медицинский институт  
имени Абу Али ибн Сино. Бухара, Узбекистан.*

*e-mail: [yodgorov.jasurbek@bsmi.uz](mailto:yodgorov.jasurbek@bsmi.uz)*

**Аннотация** В данной статье освещены причины возникновения, клинические проявления и современные методы профилактики неврологических и нозогенных психопатологических состояний, наблюдаемых у больных раком репродуктивной системы. Также анализируются инновационные подходы, направленные на стабилизацию психоэмоционального состояния, профилактику неврологических осложнений.

**Ключевые слова:** репродуктивный рак, нозогенная депрессия, тревожное состояние, нейропсихиатрия, профилактика, психотерапия, онкопсихология.

**MODERN MEASURES FOR THE PREVENTION OF  
NEUROLOGICAL AND NOSOGENIC PSYCHOPATHOLOGICAL  
CONDITIONS DEVELOPING IN CANCER OF THE REPRODUCTIVE  
SYSTEM**

***Yodgorov Jasurbek Jo'rayevich***

*Bukhara State Medical Institute named after*

*Abu Ali ibn Sino. Bukhara, Uzbekistan.*

*e-mail: [yodgorov.jasurbek@bsmi.uz](mailto:yodgorov.jasurbek@bsmi.uz)*

**Annotation** This article highlights the causes of neurological and nosogenic psychopathological conditions observed in patients with reproductive system cancers, their clinical manifestations, and modern prevention methods for their elimination. Innovative approaches aimed at stabilizing the psycho-emotional state and preventing neurological complications are also analyzed.

**Keywords:** reproductive cancer, nosogenic depression, anxiety state, neuropsychiatry, prevention, psychotherapy, oncopsychology.

Саратон касалларни инсон организмидаги кенг кўламли ўзгаришларга сабаб бўлади. Хусусан, аёллар ва эркакларнинг репродуктив тизимида таъсир этувчи онкологик шишлар (эндометрий, тухумдан, простата бези ва бошқалар) нафақат жисмоний, балки жиддий руҳий ва неврологик асоратларга ҳам олиб келади. Касалликни ташхислаш ва даволаш жараёнларида беморларда турли психопатологик бузилишлар — депрессия, хавотир, апатия, когнитив пасайиш, шунингдек, посттравматик стресс бузилишлари юзага чиқиши мумкин. Бундай ҳолатлар беморнинг касалликка бўлган муносабати, даволанишга садоқати ва умуман ҳаёт сифатини пасайтириши мумкин.

Репродуктив тизим онкологиясида неврологик ва психопатологик асоратларнинг ривожланиши кўплаб мураккаб омиллар таъсирида юз беради. Бу асоратларнинг асосий сабаблари қуйидагича умумлаштирилди:

Аввало, нозоген омиллар муҳим ўрин тутади. Касаллик тўғрисидаги ташхисни эшитишда беморда руҳий шок, келажакка нисбатан ишончсизлик, умидсизлик, ноаниқлик ҳисси ва ўлимдан қўрқиш каби психоэмоционал реакциялар кузатилади. Бундай ҳолатлар психик бекарорликни кучайтиради ва невротик, депрессив ҳамда фобик ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Иккинчидан, онкотерапия таъсири ҳам салбий оқибатларга сабаб бўлади. Хусусан, кимёва ва радиотерапия каби даволаш усуслари ўзининг невротоксик хусусияти билан марказий ва периферик асаб тизимида зарар етказиши мумкин. Бу эса уйқусизлик, заифлик, кайфият бузилиши, хотира ва диққат

етишмовчилиги каби неврологик ва психопатологик белгилари билан намоён бўлади.

Учинчидан, гормонал ўзгаришлар ҳам катта аҳамиятга эга. Репродуктив тизим шишларида гормон мувозанатининг бузилиши организмдаги психоэмоционал барқарорликка таъсир қилиб, депрессия, асабийлашиш ва ўзини қадрлаш ҳиссининг пасайиши каби ҳолатларни келтириб чиқаради.

Шу тарзда, репродуктив тизим онкологиясида невро-рухий асоратларнинг шаклланишига биологик, психологик ва терапевтик омиллар комплекс равища таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатларда мураккаб ва мултидисциплинар ёндашув муҳим аҳамият касб этади.

Онкологик беморларда кузатиладиган асосий психопатологик ҳолатлар турли қўринишларда намоён бўлади. Улар, аввало, беморнинг касалликка бўлган эмоционал муносабати, унинг жисмоний ва ижтимоий ҳолати, шунингдек, даволаш жараёнидаги қийинчиликлар билан боғлиқдир. Энг кўп учрайдиган психопатологик бузилишлардан бири — депрессив синдром бўлиб, у нозоген омиллар таъсирида вужудга келади. Бундай ҳолатда беморда туюқлик, умидсизлик, ҳаётдан безиш каби ҳолатлар кузатилади. Шу билан бирга, анксиоз ҳолатлар ҳам кенг тарқалган бўлиб, улар хавотир ва қўрқув даражасининг ортгани, ички мувозанатнинг бузилиши билан тавсифланади.

Айrim ҳолларда ажратилиш синдроми ва суицидал фикрлар рўй беради, яъни беморлар даволаниш жараёнидан узоклашишга интилади, ижтимоий алоқалардан чекинади ва ўз жонига қасд қилиш ҳақида фикр юритиши мумкин. Бундан ташқари, онкологик беморларда инсомния ва когнитив бузилишлар ҳам учраб туради. Уйқунинг бузилиши, хотира ва диққатнинг пасайиши, интеллектуал фаолиятнинг сусайиши каби белгилари бу ҳолатларга хосдир. Ушбу психопатологик бузилишлар онкологик беморларнинг умумий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатади ва комплекс ёндашувни талаб қиласди.

Беморларда руҳий ва неврологик асоратларни бартараф этишда комплекс, илмий асосланган ва интегратив ёндашув жуда муҳимдир. Бунинг учун замонавий тиббиётда профилактика ва реабилитация чоралари қатор йўналишлар асосида амалга оширилади.

Аввало, мультидисциплинар ёндашув муҳим ўрин тутади. Онколог, психиатр, невролог, клиник психолог ва нутрициологлар ҳамкорлигига беморнинг ҳолати тўлиқ баҳоланади ва индивидуал равища комплекс терапевтик стратегия ишлаб чиқилади. Бу ёндашув ҳар бир мутахассиснинг билим ва тажрибасини бирлаштирган ҳолда, даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Бундан ташқари, психотерапевтик усуллар ҳам муҳим ўринга эга. Улар қаторига когнитив-бихевиорал терапия (СВТ), гештальт-терапия, арт-терапия ва

мусиқа терапияси киради. Шунингдек, интернет орқали фойдаланиш мумкин бўлган онлайн психотерапевтик платформалар ёрдамида масофавий даволаш имконияти ҳам кенгаймоқда, бу эса беморларга қулайлик ва даволашнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Фармакологик профилактика йўналишида эса замонавий антидепрессантлар (айниқса SSRI ва SNRI туркуми), анксиолитиклар (хавотирни камайтиришга қаратилган воситалар), шунингдек, когнитив қобилиятларни яхшилаш мақсадида ноотроп ва нейропротектор воситалар қўлланилади. Бу доривор усуллар беморнинг руҳий ҳолатини барқарорлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, нейрофизиологик терапия усуллари ҳам кенг қўлланилмоқда. Улар қаторига транскраниал магнит стимуляция (TMS), биоfeedback ва нейрофийдбек асосидаги терапия, шунингдек, электроэнцефалография (ЭЭГ) таҳлили асосида тузиладиган индивидуал терапия дастурлари киради. Бу усуллар мия фаолиятини қайта тиклаш ва руҳий ҳолатни назорат қилишда самарали ҳисобланади.

Ниҳоят, психоэдукация ва қўллаб-қувватлаш гурӯхлари орқали беморларга ва уларнинг яқинларига онкологик касалликларнинг психик оқибатлари ҳақида тўғри ва илмий асосланган маълумотлар берилади. Бу эса стресс даражасини камайтириш, психологик мустаҳкамликни шакллантириш ва ижтимоий ёрдам муҳитини яратишга хизмат қиласди.

Шу тариқа, замонавий профилактика ва реабилитация чоралари комплекс, шифокорлар ҳамкорлигига ташкил этилган ва ҳар бир беморнинг индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бу ёндашув умумий соғломлаштириш жараёнида муҳим ўрин тутади.

**ХУЛОСА** Репродуктив тизим онкологик касалликларида психоневрологик асоратлар беморнинг умумий ҳолати, даволаниш самарадорлиги ва ҳаёт сифатига жиддий таъсир кўрсатади. Замонавий профилактика ва реабилитация усулларидан, жумладан, мултидисциплинар ёндашув, психотерапия, нейрофизиология ва таълимий қўллаб-қувватлаш воситаларидан самарали фойдаланиш онкологик касалликларга қарши курашда муҳим аҳамиятга эга. Илмий асосланган интегратив модель беморларнинг жисмоний ва руҳий барқарорлигини таъминлашга хизмат қиласди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

- Семенова Е. В., Кириллов Н. А. Этиология женского бесплодия //Современные проблемы медицины и естественных наук. – 2018. – С. 79-83.
- Ernaeva G. X., Sattarov T. F., Maxamatjanova N. M. DIAGNOSTIC SIGNIFICANCE OF PSYCHODIAGNOSTIC EXAMINATIONS OF

TAEKWONDO PLAYERS //Frontline Medical Sciences and Pharmaceutical Journal. – 2023. – Т. 3. – №. 06. – С. 19-27.

3. Мухаметзянова Р. О., Шагиева Э. И., Николаева Н. В. Депрессия–главная болезнь XXI века //Сборник научных трудов молодых ученых и специалистов. – 2022. – С. 395-39.
4. Хаятов Р. Б., Велиляева А. С. Особенности развития и течения аффективных расстройств при сахарном диабете //Достижения науки и образования. – 2020. – №. 5 (59). – С. 62-64.
5. Lustman P. J. Anxiety disorders in adults with diabetes mellitus //Psychiatric Clinics of North America. – 1988. – Т. 11. – №. 2. – С. 419-432.
6. Maxamatjanova N. Principles of medical and psychological care of patients with the acquired immune deficiency syndrome //Journal of the Neurological Sciences. – 2019. – Т. 405. – С. 128.
7. Hamraev B., Maxamatjanova N. Study and evaluation of the possibilities of cognitive behavioral therapy in psychosexual disorders //Центрально-азиатский журнал образования и инноваций. – 2023. – Т. 2. – С. 4.
8. Hamraev B., Maxamatjanova N. Modern methods of treatment of sexual disorders //Инновационные исследования в современном мире: теория и практика. – 2023. – Т. 2. – №. 15. – С. 73-74.
9. Maxamatjanova N. M., Mirxaydarova F. S., Mirxaydarova S. M. Xavotir sindromi rivojlanishida qandli diabetning ahamiyati //Прикладные науки в современном мире: проблемы и решения. – 2023. – Т. 2. – С. 2.
10. Maxamatjanova N., Ibodullayev Z. Therapy of post-stroke dementia on the example of memantine //EUROPEAN JOURNAL OF NEUROLOGY. – 111 RIVER ST, HOBOKEN 07030-5774, NJ USA : WILEY, 2020. – Т. 27. – С. 1063-1063.
11. Surayyo, Yusuphodjayeva, and Gafurova Sabohat. "DEPRESSIVE-ANXIETY DISORDERS IN PATIENTS WITH RHEUMATOID ARTHRITIS AND METHODS OF THEIR PSYCHOCORRECTION." Interpretation and researches 2.3 (2023): 9-16.
12. Гафурова С., Юсупхаджаева С. ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫЙ АНАЛИЗ НЕВРОТИЧЕСКИХ РАССТРОЙСТВ ПРИ СИНДРОМЕ РАЗДРАЖЕННОГО КИШЕЧНИКА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕДИКО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ПОДДЕРЖКИ ПРИ НИХ //Talqin va tadqiqotlar. – 2023. – Т. 1. – С. 19.
13. Ibodullayev Z. R. et al. EFFECTIVE PSYCHOPHARMACOLOGICAL THERAPY IN ANXIETY-DEPRESSIVE DISORDERS //Open Access Repository. – 2023. – Т. 4. – №. 3. – С. 241-246.

14. Sh G. S. Ichak ta'sirlanish sindromidagi psixoemotsional buzilishlar va unda psixoterapevtik yordam ko'rsatish //SOLUTIONS SOLUTIONS. – 2020.
15. Gafurova S., Yusuphodjayeva S. DIFFERENTIAL ANALYSIS OF NEUROTIC DISORDERS IN IRRITABLE BOWEL SYNDROME AND IMPROVEMENT OF MEDICAL PSYCHOLOGICAL SUPPORT IN THEM //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D2. – С. 177-181.
16. Гафурова С. Ш., Юсупходжаева С. Т. Identification of anxiety-phobic disorders in irritable bowel syndrome and improvement of medical psychological support in them. – 2024.
17. Гафурова С. Ш., Юсупходжаева С. Т. ТРЕВОЖНО-ФОБИЧЕСКИЕ РАССТРОЙСТВА ПРИ СИНДРОМЕ РАЗДРАЖЕННОГО КИШЕЧНИКА И ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПСИХОТЕРАПИИ И ПСИХОФАРМАКОТЕРАПИИ ПРИ НИХ. – 2024